

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 1. Rahmonqulova Zarnigor**
DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM
GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6
- 2. Усманова Севара**
ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14
- 3. Yusupova Dildora**
SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima
Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21
- 4. Қўчқорова Садоқат**
ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28
- 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф**
АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА
«ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35
- 6. Джалилова Зарнигор**
ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР
ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42
- ## Лингводидактика
- 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar**
THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG
STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48
- ## Тилшунослик
- 8. Boygucheva Lola**
THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54
- 9. Кобилова Азиза**
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59
- 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa**
ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65
- 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza**
PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71
- 12. Saidova Farida**
O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77
- 13. Turniyazov Behzod**
FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Xolmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Тўева Зулфия Нозимовна,
Бухоро шаҳридаги 21-ўрта умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёти ўқитувчиси,
ХДП Бухоро вилояти кенгаши раиси
Юлдашева Дилором Нигматовна,
Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
e-mail: diloromxon.68@mail.ru

БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-21>

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий ҳаётда ҳар бир тўлақонли киши учун ёзма нутқнинг раволиги ҳам оғзаки нутқнинг тозаллиги, тушунарлилиги каби муҳим. Бугунги кунда аксарият мактаб битирувчиларида ёзма ва оғзаки фикр ифодалаш, мулоқотга киришиш, ўз қарашларини эркин баён қилиш кўникмаси меъёрда эмаслигини кузатамиз. Ўқувчининг эгаллаган билими, кўникмаю малакаси уни қайдаражада ижодкорликка, бунёдкорликка ундай олишини кўрсатувчи таълимий меъёрлардан бири баён ёздиришдир.

Зеро, баён ўрта мактаб таълим-тарбия тизимида нутқ ўстириш воситаси сифатида ғоят муҳим ўрин тутади. У ёзма ишнинг асосий турларидан бири бўлиб, асар ёки ундан олинган парча мазмунини ўқувчи томонидан “ўз сўзи”, “ўзига хос услуби” асосида изчил, саводли қайта баён этишни тақозо этади. Таълим тизимида ўқувчиларни баён ёза олишга ўргатиш уларнинг луғат бойлигини оширади, фаоллаштиради, уларда сўз ва иборалардан ижодий фойдаланиш кўникмасини ривожлантиради.

Таянч сўзлар: ёзма нутқ, баён, таълимий баён, назорат баён, ижодий тафаккур

Туева Зулфия Нозимовна,
средняя школа №21 г. Бухара
учитель родного языка и литературы,
председатель Бухарского областного совета НДП
Юлдашева Дилором Нигматовна,
доцент кафедры узбекского языкознания
Бухарского государственного университета,
кандидат педагогических наук
e-mail: diloromxon.68@mail.ru

ВЫСКАЗЫВАНИЕ И О ЕГО ВИДАХ

АННОТАЦИЯ

Для каждого взрослого в общественной жизни беглость письменной речи так же важна, как чистота и понятность устной речи. Сегодня мы наблюдаем, что способность большинства выпускников школ выражать свое мнение письменно и устно, общаться и свободно выражать свои взгляды не является нормой. Написание высказывание – одна из образовательных норм, показывающих, что знания, навыки и способности учащегося могут привести его к творчеству.

Ведь высказывание играет очень важную роль в системе среднего образования как средство речевого развития. Это один из основных видов письменного произведения, требующий последовательного, грамотного пересказа содержания произведения или отрывка из него читателем на основе «своего слова», «определенного стиля». Обучение учеников написанию высказывание в системе образования увеличивает их словарный запас, активизирует их, развивает их творческое использование слов и фраз.

Ключевые слова: письменная речь, высказывание, учебное высказывание, контрольное высказывание, творческое мышление

Tueva Zulfiya Nozimovna,
secondary school №21 in Bukhara teacher
of native language and literature, Chairman of the
Bukhara Regional Council of the People's Democratic Party
Yuldasheva Dilorom Nigmatovna,
Associate Professor of the Department of Uzbek
Linguistics Bukhara State University, candidate of
pedagogical sciences e-mail: diloromxon.68@mail.ru

STATEMENT AND ABOUT ITS TYPES**ANNOTATION**

For every adult in public life, written fluency is as important as the clarity and intelligibility of spoken language. Today we see that the ability of the majority of school graduates to express their opinions in writing and orally, communicate and express their views freely is not the norm. Utterance writing is one of the educational norms showing that a student's knowledge, skills and abilities can lead him to creativity.

After all, the utterance plays a very important role in the secondary education system as a means of speech development. This is one of the main types of written work, requiring a consistent, competent retelling of the content of the work or an excerpt from it by the reader based on "his own word", "a certain style." Teaching students to write utterance in the education system increases their vocabulary, activates them, and develops their creative use of words and phrases.

Key words: written speech, utterance, educational utterance, control utterance, creative thinking

Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили машғулотларида ёзма ишнинг асосий турларидан бири сифатида баёндан фойдаланилади. Баён умумий моҳиятига кўра “Умумий ўрта таълим мактабларида она тили фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси”да белгиланган: “Ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва раvon баён қиладиган, ...мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган – мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтириш” мақсадини амалга оширишга хизмат қилса, одатда, баён учун танланган боғланишли матн мазмуни “ўқувчиларда ...миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантириш” малака талаблари рўёбини таъминлайди [1].

Баён луғавий маъносига кўра арабча сўз бўлиб, аниқлик, равшанлик, тавсифлаш, ифодалаш каби маъноларни билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг кўпмаъноли сўз сифатида тўрт хил маъноси берилган. Жумладан,

1 Табиат ва жамият ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввур юзасидан инсон фикри ва мулоҳазаларининг оғзаки ёки ёзма ифодаси. Оғзаки баён. Баён қилмоқ. Фикр баён қилмоқ.– Бу ёғини қайси тил билан баён этсам экан... Х.Тўхтабоев, Сеҳрли қалпоқча.

2 Адабий асарнинг содир бўлган ёки содир бўлаётган воқеалар ҳамда воқеаларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилинадиган қисми. Романда тавсиф, муаллиф мулоҳазалари ва баёнлар кўп.

3 Тавсиф; изоҳ бериш. Асарнинг қимматли бобларидан бири шеърят ва аруз баёнидир. “Фан ва турмуш”.

4 Ўқиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзиб чиқилган иш; ёзма иш (ўқувчилар билимини баҳолашнинг ёзма шаклларида бири). Ўқувчилар баён ёзишди. Баённи текшириб чиқмоқ. Баёнлар тўплами [9, 9].

Тилимизда ишлатиладиган баённома, баёнот, баёнчилик отлари ёки баён этмоқ, баён қилмоқ феълларининг келиб чиқиш асоси ҳам шу **баён** сўзи билан боғлиқ.

Манбаларда: “...матнни ўқиб ёки айтиб берганлар асосида ёзиб чиқилган иш. Ўзбекистон умумтаълим мактабларида (асосан, 2-9-синфларда) ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш бўйича синф ўқув (ёзма) ишининг асосий турларидан бири сифатида фойдаланилади”, деган маълумотга ҳам дуч келамиз [4;5].

Демак, баён мактаб таълим-тарбия тизимида, асосан, она тили машғулотида ёзма нутқ ўстиришнинг ғоят муҳим воситаси ҳисобланади. Агар мактабда она тили таълимининг умумий мақсади ўқувчини равон ўқишга, теран англашга ва хатосиз ёза олишга ўргатиш эканлигини инобатга олсак, ўқувчининг бу борада эгаллаган билими, кўникмаю малакаси қайдаражадалигини синаш учун баён ёздириш энг самарали йўл эканлиги маълум бўлади.

Она тили таълими фундаментализм ва академизм йўналишида билимдон ижрочи шахсни тарбиялаш тизимидан прагматик йўналишда тадбиркор ва ижодий тафаккур соҳиби бўлган шахсни тарбиялаш йўлига ўтди. Она тили таълимининг истиқлол шарофати билан янгиланган мақсади, мазмуни ҳар бир ўқув соатида ўқувчиларга қандай билимларни ва қанақа малакаю кўникмаларни сингдиришни талаб қилмоқда? Дидактика тарихидан маълумки, билим, кўникма, малака ҳамда ижодкорлик ҳар доим бир-бирини тақозо қиладиган ҳодисалардир [6].

Мактаб она тили таълимининг хусусий мақсади замирида жамиятга ижодий тафаккурли, тафаккур маҳсулини оғзаки ва ёзма тарзда тингловчига равон, содда ва аниқ етказиб бера оладиган шахсни етиштириб беришдек масъулиятли давлат буюртмаси турибди. Зеро, бугун кенг амалиётда бўлган она тили таълими мазмуни сирасида ўқувчиларга тақдим этилаётган билимлар уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондира олиши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка ундай олиши лозим. “Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик”[2] эканлигини унутмаслигимиз зарур. Хўш, она тили машғулотида баёндан фойдаланиш шу хусусий мақсаднинг рўёби учун хизмат қила оладими? Бу саволга ҳеч иккиланмай “Албатта” деб жавоб бера оламиз. Мутахассислар тўғри таъкидлаганларидек, ўқувчининг эгаллаган билими, кўникмаю малакаси уни қайдаражада ижодкорликка, бунёдкорликка ундай олишини кўрсатувчи таълимий меъёрлардан бири баён ёздиришдир.

Кичик ҳажмдаги дидактик характерли асар ёки муайян асардан олинган парча мазмунини ўқувчи томонидан “ўз сўзи”, “ўзига хос услуби” асосида изчил, саводли қайта баён этишни тақозо этувчи баённинг ҳам бир неча турлари мавжуд. Бу турлар ҳамиша ўқувчининг баён ёзишга бўлган эҳтиёжи ҳамда ўқитувчининг ўзи ўқитаётган ўқув предмети таълими учун давлат томонидан ижтимоий буюртма сифатида белгилаб қўйилган малака талабларини бажариш заруратидан келиб чиқади. Жумладан,

Баён ўқитувчининг назорати нуктаи назаридан икки турга бўлинади: 1) таълимий баён ва 2) текширув баён.

Таълимий баённи оғзаки шаклда ҳам, ёзма шаклда ҳам ўтказиш мумкин. Таълимий баён дарс машғулотининг маълум қисмида ўтказилиши ҳам, баъзан унга бир дарс соати тўлиқ ажратилиши ҳам мумкин. Таълимий баённи ўқувчи, одатда, синф дафтарида ёзади ва

ўқиб бериш асосида баҳо олади. Текширув баён эса (баён матни ўқитувчи томонидан ўқиб берилгач, мазмун ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиб оғзаки сўзлаб берилса-да) ёзма шаклда ўтказилади. Табиийки, баён матнини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва билим савиялари ҳисобга олинади, айниқса, матннинг тарбиявий жиҳатига, давр талабларига қайдаражада мослигига алоҳида эътибор берилади.

Таълимий баён ўтказишда ҳам, текширув баён ёздирришда ҳам қуйидаги тартибга риоя қилинади:

а) баён матни ўқувчининг ёшига, руҳиятига мос, болага маънавий, маърифий озуқа бера оладиган, тушунилиши, ўқувчи томонидан “ҳазм қилиниши” қулай тарзда ўқитувчи томонидан танлаб олинади;

б) баён матни, одатда, ўқитувчи томонидан 2 марта ўқиб берилади;

в) баён матнида ўқувчи учун тушунилиши ёки имлоси қийин бўлган сўзлар (2-3тагача) доскада ёзиб кўрсатилади;

г) баён мазмуни ўқувчилар томонидан қайдаражада англаб олинганлиги 2-3 ўқувчининг (бунда, албатта, аълочи, ўрта ва тенгдошларига нисбатан пастроқ ўқийдиган ўқувчилар танлаб олинмиши муҳим) оғзаки баёни орқали текширилади, оғзаки баёнда ўқувчи томонидан чалкаштирилаётган ёки эътиборсиз қолдирилган жиҳатларга эътибор қаратилади;

д) ўқувчилар томонидан баённинг (қуйи синфларда содда, юқори синфларда мураккаб) режаси тузилади;

е) ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ҳар бири баённи мустақил ёзиши назорат қилинади ва ҳ.

Текширув баён ўтказилиш мақсадига кўра бир неча турларга бўлинади: 1) матн мазмунини айнан акс эттирувчи баён; 2) матн мазмунига ижодий ёндашилган баён; 3) бўлақланган матнни мазмунан жамловчи баён; 4) қўшимча топшириқли баён; 5) сайланма баён; 6) ижодий баён; 7) ихчам баён; 8) матн мазмуни кенгайтирилган баён; 9) матн мазмуни қисқартирилган баён; 10) рамзий-ижодий баён.

Матн мазмунини айнан акс эттирувчи баён ёзишда ўқувчидан диққатни бир жойга жамлай олиш, эшитганларини хотирада сақлаб қолишга эътибор қаратиш, баён матнидаги сўз ва иборалар мазмунини тўғри англай олиш, матн муаллифи қўллаган ифода шаклларида фойдаланиш, матн мазмунидан четга чиқмаслик талаб қилинади. Ўқувчи ёзма ишида баён матнида берилган аслиятни имкон қадар ўзгаришсиз қоғозга туширишга ҳаракат қилиши лозимки, бу ўқувчининг хотира типларини кенгайтиради, диққатини жамлай олишга ўргатади ва, албатта, ёзма саводхонлигини оширади.

Матн мазмунига ижодий ёндашилган баён ёзишда, имкон қадар, ўқувчига кундалик турмушда таниш бўлган воқеа-ҳодиса, тушунча ёки белги тасвирига яқинроқ матн танланади. Бунда ўқувчи баён матни мазмунининг туб моҳиятини англай олиши, шу моҳиятга мос ўзаро яқин ҳодисаларни фикран жамлай билиши ва эшитган матнига яқинлаштириб баён ёзиши керак бўлади. Бунинг учун бадий тил хусусияти билан ажралиб турадиган асарлар тавсия этилади. Бундай матн юзасидан баён ёзишдан олдин ўқувчилар муаллифнинг ҳар бир фикри, ибораси ҳамда услубини аниқ тушуниб олиши ва уни ўз баёнида қўллаши зарур.

Матн мазмунига ижодий ёндашилган баёнда матн муаллиф тилидан баён этилган бўлса, ўқувчи уни III шахс тилида ифодалаши ёки, аксинча, III шахсда ифодаланган мазмунни I шахс/сонда бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Табиийки, бу ўқувчининг тил имкониятлардан фойдалана олиш уқувига боғлиқ. Баённинг ушбу тури ўқувчи тафаккурида ассоциативликни тартибга солади, сўз захирасини бойитади, асосийси, ўқувчи нутқида нарратологик хусусиятни оширади. Бунинг учун танланган матн ҳажми унча катта бўлмаслиги муҳим.

Масалан, 7-синфда Ўткир Ҳошимовнинг “От минган одам” ҳикоясидан олинган қуйидаги парчани матн мазмунига ижодий ёндашилган баён ёзиш учун танлаш мумкин:

Боботокқа борганимда қизиқ воқеа бўлган.

Ярим кечагача чўпонлар билан хангомалашдик. Мезбонлар қоп-қора чайир бир йигитни кўрсатиб, мана шу Бўрибой кийик боласини қўли билан тутиб олган, деганларида, тўғриси, ишонмадим... Одам кийикка ета оларканми?

Шунақа-ку, эртасига... Ҳаммамиз отлик янаям тепароқ яйловга йўл олдик. Анча юрдик. Бир маҳал белга урадиган ўтлоқ ўртасидаги «қора уй» олдига келиб ҳамма отдан туша бошлади. Мен ҳам ўзимни ерга ташлаган эдим, чап оёғим узангига қисилиб қолди. Мен учун бу кулгили ҳолат эди. Қўлим ерда. Оёғим узанги билан от қорни орасига қисилиб қолган. Ҳарчанд уринганим билан чиқаролмайман. Кулиб юбордим.

Қарасам, отдан тушган мезбонлар турган жойида қотиб қолибди. Ҳамманинг кўзида даҳшат... Ўттиз қадамча нарида турган Бўрибой, ишонсангиз, тўрт хатлашда тепамга етиб келди. Отимнинг жиловини маҳкам чангаллади. Шу орада бошқалар ҳам келишди. Оёғимни узангидан ажратиб турғизиб қўйишди. Йўл бўйи жимгина келган от эса бирдан кулоқлари чимрилиб кишнаб юборди. Бўрибой жиловни қўйиб юбориши билан думини гажак қилганча дуч келган томонга югуриб кетди.

Мен ҳамон ҳеч нарсага тушунмай турардим.

–Бир ўлимдан қолдингиз, ака!–деди Бўрибой хансираб.–Оёқ узангига қисилиб қолса, от хурқади. Хурқдими–тамом! Осилиб қолган одамни тепиб югураверади. Одам тепки еб, тошларга урилиб, бир халта этга айланади... Яхшиям вақтида улгурдик...

Сийрак соқолли кекса чўпон эса елкамга қоқди.

–Худойга бир ёзганинг бор экан, улим! Отқа минувдан олдин тушувни ўйлаб қўюв керак...

Бунда ўқувчи ўзи билан ёки яқинлари билан бўлган шунга ўхшаш воқеа-ҳодисани эслайди. Эслаганларини матн мазмунига яқинлаштириб ифодалашга ҳаракат қилади. Масалан, “Бир куни шимимнинг почаси вилосипед занжирига қисилиб қолди”... “Менинг акам ҳам шунга ўхшаш ҳолатга тушган эди”...)

Бўлақланган матнни мазмунан жамловчи баённи ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчиларга мазмуни нотаниш бўлган ўртача 4-5 хатбошидан иборат боғланишли матнни танлайди ва матннинг ҳар бир хатбошисини алоҳида вараққа ёзади. Матн бўлақлари сонига қараб синф ўқувчилари кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга матннинг бир парчаси туширилган варақ берилади. Шу тариқа матн бўлақлари кичик гуруҳ сардори ёки гуруҳ фаоли томонидан 2 марта ўқиб берилади. Бунда ўқувчилар бўлақланган матнни мазмунан жамлаб яхлит ҳолга келтириб олишлари ва уни ёзма баён этишлари керак бўлади.

Ўқувчиларга бўлақланган матнни мазмунан жамловчи баён ёздириш уларда тил сезгирлигини тарбиялайди.

Қўшимча топшириқли баён, асосан, ўқувчиларнинг она тили дарсларида ўзлаштирганларини синов тариқасида ўтказилади. Қўшимча топшириқли баёнда матн мазмунини тўғри англай олиш, уни белгиланган меъёрда ёритиб бериш каби талаблардан ташқари, масалан, ўқувчиларнинг муайян мавзу юзасидан олган билимлар қайдаражада кўникма ва малакаларга айланганлиги текширилади. Масалан, орфографик ёки пунктуацион коидалар ўрганилгач, қўшимча топшириқли баён ўтказилиши зарур. Ёки сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ўзлаштирилгач, матндаги бир неча гапни таркибан маънодошлари билан алмаштириш топшириғи берилиши ҳам мумкин. 5-синф ўқувчиларига Миркарим Осимнинг “Широқ” ҳикоясидан олинган қуйидаги парчани қўшимча топшириқли баён ёздириш учун танлаш мумкин:

Бошлиқлар бу мушкул муаммони ечиш учун бош қотириб ўтирганларида, ўтов эшиги олдида қуролли йигит Широқ деган бир чўпоннинг ижозат сўраётганини билдирди.

–Широқ? – деб қошини чимирди Рустак. – Ким у?

– Широқ бизнинг уруғдан. Ўзи эртақчи, дostonчи доно чол. Бутун умри чўпонлик билан ўтган, – деди Саксфар.

–Ундоқ бўлса чақир бу ёққа ўша доно чолни.

– Эшиқдан ёши олтмишдан ошган тетиккина, барваста бир чол кириб, таъзим қилди.

– Ижозат беринглар, мен ҳам қаторингизда ўтириб, ўз фикримни айтсам. Нима тўғрида гаплашаётганингизни биламан.

–Ўтир, ўтир, гапингга қулоқ соламиз.

–Эрон шоҳининг аскарлари Сирдарё остидаги қум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб, енгиш маҳол. Аммо уларни қириб ташлаш учун бир йўл бор. Қулоқ солинг...

Қўшимча топшириқ сифатида матнни мазмунан давом эттириш ҳамда биринчи гап таркибидаги сўзларни маънодошлари билан алмаштириб алоҳида ёзиш топшириғи берилиши бесамар бўлмайди.

Сайланма баёнда матннинг ҳаммаси тўлиқ ёзилмайди, балки ўқувчилар бир неча қисмли матннинг хоҳлаган бир қисми юзасидан баён ёзадилар. Бунда ўқувчиларга эркинлик берилади, улар ўзларига ёққан, ўзларини қизиқтирган бирор қисмни сайлаб оладилар. Мазкур ҳолат ўқувчини умумийликдан хусусийликни ажрата олишга ўргатади. Сайланма баён ўтказишнинг муҳимлиги ўқувчилар ҳажман салмоқлигина матнни ўзлаштирадилар; матн ҳақида яхлит тасаввурга эга бўладилар; матн қисмлар орасидаги боғланишни англайдилар ва ўзлари онгли, ижодий равишда танлаган қисм мазмунини ёритишга ҳаракат қиладилар. Асосийси, болада нутқ~тафаккур~нутқ ассоциацияси ривожланади, матн бўлагини мустақил тарзда ихтиёрий танлаш ҳуқуқи уларга мотивация беради. (Сайланма баён учун режа тузиш шарт эмас.)

Ижодий баён ўтказиш тартиби, одатда, ўқувчидан ё матн мазмунига ўз муносабатини билдиришни ёки бошланиши берилган матнни мазмунга мос равишда давом эттиришни талаб этади. Баён турлари ичида **ижодий баён она тили таълимининг бош мақсади билан чамбарчас боғлиқ** [3;8], десак муболаға бўлмайди.

Ўқитувчи синф ўқувчиларининг савияси, билим даражаси, иқтидорини инобатга олиб, ижодий баён шакллари танлашга новигацион тарзда ёндашиши мумкин. Масалан, воқеабанд шеърлар мазмунини ҳикоя шаклида ёзиш, диалогларни умумлаштириб ёзиш, матндаги сўзловчи шахсини ўзгартириб ёзиш шулар жумласидандир.

Ижодий баённи ҳам назорат, ҳам таълимий ёзма иш сифатида ўтказиш мумкин. Масалан, VI синф ўқувчиларида турдош от ва унинг маъновий гуруҳлари тўғрисидаги мавзу ўтилгач, уларга таълимий ижодий баён сифатида қуйидаги “Сув” матнини ўқиб бериш ва матн мазмунига ўз муносабатини билдириш талабини қўйиш ҳам ўринли:

Сувсиз-ер мозор, сувли ер –гулзор. Сувсиз ер-жонсиз жасад. Сувсиз ерга қуш қўнмас. Ташнанинг тушига сув кирар. Сувни қум тагидан қидир. Қум бор жойда сув бор, сув бор жойда жон бор. Сув тиласанг, Сулаймондан тила. Сувга – ариқ, йўлга – чориқ. Экин экмоқ осон, сув келтирмоқ қайин. Сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши. Сув келтирган – мард, сув келтирмаган – номард. Сув қадрини қудуқ қазиган билади. Сув ичсанг, қудуқ қазиганни унутма. Сув берган – савоб, ўт берган – кабоб. Сув ичаётганга илон ҳам тегмас. Сув онаси – булоқ, сўз онаси – қулоқ. Сувни ич, чашмани булғатма.

Шу матн билан боғлиқ ҳолатда ўқувчиларда атоқли от ва унинг маъновий гуруҳлари тўғрисида тасаввур пайдо қилинган, сув билан боғлиқ бўлган қуйидаги гидронимларни тавсия этиш ва ҳар бир қаторни ижодий давом эттириш топшириғини бериш ҳам мумкин (Шунда ўтказилган ижодий баён матни ва топшириғи ўқув дастуридаги кейинги мавзулар билан боғланади ҳамда табиий географик билимлар билан интеграция ҳосил қилади):

а) дарё номлари: Амударё, Сирдарё, Оқдарё, Норин дарёси, Зарафшон дарёси, Қорадарё.....

б) сув омборлари: Каттакўрғон сув омбори, Чимкўрғон сув омбори, Пачкамар сув омбори.....

в) канал номлари: Катта Фарғона канали, Жанубий Мирзачўл канали, Аму-Бухоро канали, Аму-Занг канали

г) сой номлари: Оқтепасой, Кўксаройсой, Оҳаклисой, Оқсой, Қизилсой, Косонсой, Чодаксой, Қуруксой.....

д) қўл номлари: Ҳайдарқўл, Тўдақўл, Чукурқўл, Каттакўл, Мохонқўл, Шайтонқўл, Ақчакўл, Жармишқўл, Чукурқўл, Девонқўл.....

е) булоқ номлари: Мойбулоқ, Бешбулоқ, Оқбулоқ, Ойдинбулоқ, Шербулоқ, Қайнарбулоқ, Кўшбулоқ, Мингбулоқ.....

Юқоридаги таълимий баён билан боғлиқ ишлар ҳам ўқитувчидан, ҳам ўқувчидан зийракликни, моҳиятга кунт билн ёндашишни талаб этади ва ўқувчиларни текширув баён ёзишга тайёрлайди.

Ихчам баён. Ихчам ҳажмли матн юзасидан ўтказиладиган ёзма ишнинг турига ихчам баён дейилади. Бундай баён V-IX синфларнинг ҳар бирида дарснинг 8-20 минутада кизиқарли кичик машғулот сифатида ўтказилади ва бу машғулот ўқувчини қийнамайди, у мазмунни тез ўзлаштиради. Бу ўзига хос ёзма ақлий машқ кўринишида бўлиб, ихчам баёнга режа тузиш шарт бўлмайди. Масалан, VIII-IX синфларда исталган дарс машғулотида тарбиявий характерга эга қуйидаги каби матн танланади ва дарснинг 10-12дақиқаси шу матн асосида ихчам баён ёздиришга ажратилади:

Донишманднинг ҳузурига шогирдларидан бири келиб:”Устоз, ишларим юришмаяпти. Нега шундай бўляпти экан?”–деб сўради.

Донишманд сўради:”Ота-онанг борми?”

Йигит шошиб деди: “Ҳа бор, шукурки, ота-онам тирик, ҳаёт.”

Донишманд кулиб дебди: ”Мен сендан ота-онанг тирикми, деб сўрамадим. Ота-онанг борми? Қилаётган яхшиликларингда ота-онангга ҳам ўрин борми, деб сўрадим.”

Йигитнинг боши эгилибди: “Йўқ, ота-онам тетиклар... Улар менинг хизматимга эҳтиёж сезмайдилар, деб ўйлар эканман...”

Йигит нима учун ишлари юришмаётганини англаб, донишманднинг ҳузуридан чиқиб кетибди.

Мана бу кичик ҳажмли баён матнининг мазмуни, аҳамияти ўқувчилар диққатини тезда ўзига жалб этади. Ўқитувчи мазкур баён турини бир кундаёқ текшириш, баҳолаш имкониятига эга бўлади. Кўпчилик шубҳасиз, ижобий баҳо олади, шунингдек, бу ўқувчиларнинг ёзма нутқини такомиллаштириб боришга замин ҳозирлайди.

Ихчам баён матнини ўқувчига бир марта ўқиб берилишининг ўзи кифоя. Бу уларнинг эшитиш қобилиятини оширишга, эътиборлиликка, хотирасини ўстиришга ҳам кўмаклашади.

Матн мазмуни кенгайтирилган баёнда ўқувчилар ҳукмига кичик ҳажмли матн ҳавола этилади ва шу матн мазмунини кенгайтириб ёзиш топшириғи берилади. Матн мазмуни кенгайтирилган баён ҳам ижодий характердаги баёнтурларидан бири бўлиб, уни ёзиш учун ҳикматли сўзларга, халқ мақолларига ҳам мурожаат этиш мумкин. Масалан,

V синф ўқувчиларига: “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл”, “Одобли бола элга манзур”, “Сувсиз ер – мозор, сувли ер –гулзор” каби;

VI синф ўқувчиларига: “Ватан остонадан бошланади”, “Ота-онага ҳурмат эл-юртга ҳурмат билан баробар”, “Китобдин яхши ёр бўлмас”, “Сув ичсанг, қудуқ қазиганни унутма”, “Томчи сувда тол кўқарар” каби;

VII синф ўқувчиларига: “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил”, “Дунё илмлиники, илмсиз дунёники”, “Фаросат–ақлнинг фарзанди”, “Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон аримас”, “Элни ер тўйдиради” каби;

VIII синф ўқувчиларига: “Истиқлол – тараққиёт онаси”, “Ширмой нонинг бўлмаса ҳам, ширин сўзинг бўлсин”, “Ватан, Она, Мактаб сўзлари муштарак”, “Қум бор жойда сув бор, сув бор жойда жон бор”, “Аждодлар ёди муқаддас” каби;

IX синф ўқувчиларига: “Эр йигитга Ватан ягона”, “Бахтнинг калити вақтнинг қўлида”, “Менинг кимлигимни эл билса бўлди”, “Сув онаси – булоқ, сўз онаси – қулоқ”, “Илму амал, илму амал ва яна илму амал” каби мақол, афоризмларнинг мазмунини кенгайтириб ижодий баён ёздириш фойдали.

Матн ҳажмини қисқартириб баён ёзишнинг аҳамияти шундаки, бирор эртак ёки ҳикоянинг мазмунини умумлаштириб, асосий ғояни лўнда ифодалаш учун ўқувчини фаол ва мустақил фикрлашга ундайди, кенг ҳажмли матн юзасидан конспект тузиш малакасини шакллантиради.

Қискартириб ёзиш малакасини ҳосил қилиш учун матн юзасидан савол шаклида режа туза билиш ҳам муҳим ўрин тутати. Кейин улар саволга қисқа жавоб ёзадилар. Матн ҳажмини қискартириб баён ёзиш учун қуйидаги талабларга тўлиқ риоя этилиши зарур:

- 1) матн ҳажмини қискартириш унинг асосий мазмунига путур етказмаслиги;
- 2) матн мағзидаги асосий мазмун ва матндаги иккинчи даражали воқеа-ҳодисалар аниқ ажратилиши;
- 3) матндаги иккинчи даражали воқеа-ҳодисалар қискартирилиб, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ўринлар қолдирилиши;
- 4) муаллифнинг асосий фикрини сақлаган ҳолда мазмунни ниҳоятда қисқа, ихчам ёза олиш;
- 5) хатосиз, чиройли ва тоза ёзиш.

Қискартирилган баённинг мураккаблик томони шундаки, у ўқувчидан тил сезгирлигини, сўз ва иборалардан моҳирона фойдалана олишни, асосийси, матнда муаллиф нима демоқчилигини аниқ англай олишни талаб этади. Ўқувчининг бу натижага эриша олиши фан ўқитувчисининг ўқувчи билан фақат дарс жараёнида эмас, мактабда ўқитиладиган бошқа ўқув предметлари таълими орқали ҳам, синфдан ташқари ишларда ҳам узлуксиз ишлашини тақозо этади.

Матн ҳажмини қискартириб баён ёздиришда ўқувчининг ёш хусусияти, руҳияти, шунингдек, менталитет, миллий мафкурага мос равишда танланган матн мазмунини умумлаштириб асосий ғояни лўнда ифодалаш ўқувчини фаолликка, мустақил фикрлашга ундайди. Шунингдек, улар ўқувчиларда сайланма баёнлардаги каби умумийликдан хусусийликни ажрата олиш малакасини шакллантиради.

Баён ўқитувчи томонидан адолатли текширилиб, баҳоланиши; баён хатолари ҳар томонлама ўрганилиши, шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги; баҳо сунъий равишда ошириб ёки, аксинча, ниҳоятда камайтириб қўйилмаслиги, хуллас, ҳар бир ўқувчи олган баҳосининг асосли эканлигига ишоч ҳосил қилиши зарур.

Бизнингча, она тили дарс машғулотларида фойдаланиладиган баён турлари ҳамма вақт она тили таълимининг бош мақсади руёбига боғланиши, умумий дарс жараёнидан «кўричак» шаклида ажралиб турмаслиги шарт. Яна айтиш зарурки, дарс – баён ўтказиш – жараёнида таълимнинг индуктив усуллари билан бирга дедуктив усуллари билан ҳам маҳорат билан фойдаланиш муҳимдир. Зеро, муҳокама ва муаммоли таълим усули ҳисобланган индуктив усуллар дедуктив усулларни рад этмайди, аксинча, индукция доимо дедукция билан мустаҳкам алоқада бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, она тили таълими жараёнида ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис қилиш ва англаб етиш, бехато талаффуз қилиш ва ёзиш, узилган фикрнинг давомини тиклаш каби қатор мантикий операцияларни бажариш, нутқий тадбиркорликни тарбиялаш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш ва тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва малакасини ўстиришда баённинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Иктибослар/Сноски/References

1. Умумий ўрта таълим мактабларида она тили фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси/Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 52-сон буйруғи асосида тасдиқланган.
2. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
3. Таълим жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш масалалари. ЎТДА 6-йиғини тезислари (Масъул муҳаррир: М. Абдураимова). – Т.: РТМ, 2001.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.1-том. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – Б.379.
5. Зуннунов. А., Турдиев Б. Баёнлар тўплами. 5-9-синфлар учун. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

6. Yuldasheva D.N. O`zbek tilini o`qitish metodikasi (OO`MTV tasdiqlagan darslik).– Germaniya: Globe Edit international Publishing Group (ISBN: 978-620-0-61409-4).– 2020.– 445 b.
7. Yuldasheva D.N. Silence – is a nonverbal unit of speech communication// Impact Factor (SJIF 2020 = 6.156) “American Journal of Research”, 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95.
8. Юлдашева Д.Н. Мактабда она тили таълими муаммолари// ВухDU ilmiy axboroti (ISSN 2181-6875).–Вухоро, 2020, № 3 (75).– 268-277-б.
9. www.ziyouz.com kutubxonasi Ўзбек тилининг изоҳли луғати “Б” ҳарфи

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1